

**ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА САМАРҚАНД ВИЛОЯТ СУДИ
АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
А Ж Р И М И
№ 3-1-1401-2003/228-2020**

2020 йил ноябрь ойининг 2 куни жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди апелляция судлов хайъати ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи вилоят судининг судьяси И.Хамидов, хайъат судьялари М.Тухтаев ва Ж.Ботировлардан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Ф.Мухаммадиевнинг котиблигида, тарафлардан Самарқанд вилоят прокуратураси бўлим прокурори Ш.Джураев, судланувчи А.Н ва унинг ҳимоячиси – адвокат Ш.Тугалов, А.М ва унинг ҳимоячиси – адвокат Х.Қосимов, Л.П ва унинг ҳимоячиси – адвокат Қ.Джавадов, Н.С ва унинг ҳимоячиси – адвокат Ш.Садиков, жабрланувчи А.Р, Д.М ва Ж.Рларнинг ҳимоячиси – адвокат Ш.Киличева ҳамда жабрланувчиларнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2020 йил 11 сентябрдаги ҳукмига асосан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан судланувчи

А.Н, 19?? йил 28 январда Фарғона шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оилали, 4 нафар фарзандлари бор, муқаддам жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Сирғали туман судининг 2009 йил 14 августдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,223-моддаси 2-қисми “б” банди, 228-моддаси 2-қисми “б” банди ва 227-моддаси 2-қисми “а” банди билан 70 баравари, яъни 1.962.800 сўм жарима жазоси тайинланган, судланган ҳолати тугалланган, вақтинча ишсиз, Фарғона шаҳар, ???????? кўчаси, 104-уй, 33-хонада яшаган, иш бўйича “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилганга

М.А, 19?? йил 21 январда Фарғона туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 4 нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, “????????” тест маркази МЧЖ директори бўлиб ишлаган, Фарғона тумани, “????????” маҳалласи, “????????” кўчаси, 16-уйда яшаган, иш бўйича “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилганга

С.Н. – 19?? йил 8 августда Бухоро вилояти, Пешку туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 2 нафар фарзанди бор, муқаддам судланган, 1) жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 2009 йил 17 январдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 135-моддаси 2-қисми, 177-моддаси 2-қисми, 141-моддаси 1-қисми, 121-моддаси 1-қисми ва 131-моддаси 2-қисми билан юритилган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2008 йил 28 августдаги “...амнистия тўғрисида”ги Қарорининг 6-бандига асосан ҳаракатдан тугатилган; 2) жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар ???????? туман судининг 2009 йил 21 майдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а” банди ва 227-моддаси 2-қисми “а” банди билан юритилган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 28.08.2008 йил 28 августдаги “...амнистия тўғрисида”ги Қарорининг 6-бандига асосан ҳаракатдан тугатилган; 3) жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 2009 йил 9 октябрдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 135-моддаси 2-қисми билан юритилган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг



28.08.2009 йил 28 августдаги “...амнистия тўғрисида”ги Қарорининг 6-бандига асосан ҳаракатдан тугатилган;

4) жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 2009 йил 2 декабрдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 135-моддаси 2-қисми билан юритилган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2008 йил 28 августдаги “...амнистия тўғрисида”ги Қарорининг 6-бандига асосан ҳаракатдан тугатилган;

5) жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 2010 йил 28 августдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “в” банди билан юритилган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2010 йил 28 августдаги “...амнистия тўғрисида”ги Қарорининг 7-бандига асосан ҳаракатдан тугатилган;

6) жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман судининг 2015 йил 18 ноябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми, 28,211-моддаси 1-қисми ва 211-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан 60 баравари, яъни 4.775.400 сўм жарима ва 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, ЖКнинг 72-моддасига асосан озодликдан маҳрум қилиш жазоси шартли ҳисобланиб, 3 йил синов муддати белгиланган, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг 21.01.2016 йилдаги ажримига асосан ҳукм ўзгартирилган ва унга 110-баравари, яъни 10.571.50 сўм жарима жазоси тайинланган;

7) жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман судининг 2019 йил 19 декабрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди, 25,168-моддаси 4-қисми “а” банди ва 28,211-моддаси 3-қисми “а” банди билан ЖКнинг 59-моддаси тартибида, 50 баравари, яъни 11.150.000 сўм жарима жазоси тайинланган;

8) жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 2020 йил 20 февралдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан 5 йил озодликни чеклаш жазоси тайинланган, нафақахўр, 2 гуруҳ ногирони, Тошкент шаҳар, ???????? “?” массиви, ?-уй, ?-хонада яшаган, иш бўйича “гаров” эҳтиёт чораси қўлланилганга

П.Л – 19?? йил 26 сентябрда Пастдарғом туманида туғилган, миллати корейс, ўзбек тилини мукамал даражада билади, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 2 нафар фарзандлари бор, муқаддам

1) Самарқанд шаҳар Боғишамол туман судининг 1999 йил 8 февралдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а,б” бандлари билан 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 01.12.1998 йил 1 декабрдаги “...амнистия тўғрисида”ги Фармонининг 1-бандига асосан жазони ўташдан озод қилинган;

2) жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод туман судининг 02.02.2005 йил 2 февралдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,168-моддаси 3-қисми “а” банди ва 209-моддаси 1-қисми билан 6 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, ЖКнинг 72-моддасига асосан жазо шартлига алмаштирилиб, 3 йил синов муддати белгиланган;

3) жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2005 йил 8 июндаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а” банди билан ЖКнинг 59-моддаси 8-қисмига асосан 2 йил муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиниб, 7 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, ЖКнинг 72-моддасига асосан жазо шартлига алмаштирилиб, 3 йил синов муддати белгиланган;

4) жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 08.06.2010 йил 8 июндаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 135-моддаси 2-қисми “е,ж,з”



бандлари ва 168-моддаси 2-қисми “а,б,в” бандлари билан ЖКнинг 60-моддасига асосан 7 йил 2 ойга озодликдан маҳрум қилиш ва 10 баравари, яъни 250.400 сўм жарима жазоси тайинланган, ЖКнинг 72-моддасига асосан озодликдан маҳрум қилиш жазоси шартлига алмаштирилиб, 3 йил синов муддати белгиланган, жазони тўлиқ ўтаган ва судланганлик ҳолати тугалланган, нафақахўр, 3-гуруҳ ногирони, Самарқанд шаҳар, “?????” маҳалласи, ?????-ота кўчаси 14-уйда яшайди, иш бўйича “Муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилганга

нисбатан чиқарилган ҳукм устидан жабрланувчи

, судланувчи А.Н ва А.М ҳамда уларнинг ҳимоячилари – адвокат Ш.Тугалов ва Х.Қосимов томонидан келтирилган апелляция шикоятларига асосан жиноят ишини апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

А.Нга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан 8 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Жазони умумий тартибли колонияларда ўташлиги белгиланган.

А.Мга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан 8 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Жазони умумий тартибли колонияларда ўташлиги белгиланган.

Н.Сга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан ЖКнинг 57,59-моддаси 8-қисмига асосан 5 йил озодликни чеклаш жазоси тайинланган.

Л.Пга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, 4 йил 6 ой озодликни чеклаш жазоси тайинланган.

Судланувчи Н.Сдан Б.Жнинг фойдасига 3.082.251 сўм, Х.Хамроқуловнинг фойдасига 23.630.591 сўм, М.Юнусовнинг фойдасига 10.274.170 сўм ва Ф.Фозиловнинг фойдасига 10.274.170 сўм;

- судланувчи А.Н, А.М ва Н.Слардан солидар тартибда Х.Жумаевнинг фойдасига 38.014.429 сўм, М.Шукуровнинг фойдасига 20.548.340 сўм, Т.Шокиржоновнинг фойдасига 30.822.510 сўм, Б.Макуловнинг фойдасига 29.795.093 сўм, Б.Турсуновнинг фойдасига 164.386.720 сўм, Н.Исоқовнинг фойдасига 61.645.020 сўм, Ш.Тоғаевнинг фойдасига 71.919.190 сўм, Й.Мирсаидовнинг фойдасига 35.359.595 сўм, Ф.Хамраевнинг фойдасига 71.919.190 сўм, Ж.Мухаммадиевнинг фойдасига 5.137.085 сўм, Қ.Жўраевнинг фойдасига 30.822.510 сўм, Б.Нуримбетовнинг фойдасига 30.822.510 сўм, К.Ахмедовнинг фойдасига 20.548.340 сўм, Н.Хапизовнинг фойдасига 41.096.680 сўм, М.Жабборовнинг фойдасига 71.919.190 сўм, С.Рахимовнинг фойдасига 30.822.510 сўм, А.Анарбаевнинг фойдасига 30.822.510 сўм, Ш.Хусановнинг фойдасига 30.822.510 сўм, У.Хусановнинг фойдасига 30.822.510 сўм, Х.Ярмаматовнинг фойдасига 30.822.510 сўм, И.Курбонмуродовнинг фойдасига 61.645.020 сўм, О.Азимованинг фойдасига 82.193.360 сўм, Н.Лининг фойдасига 92.467.530 сўм, Н.Бекмуродованинг фойдасига 61.645.020 сўм, Ш.Негматовнинг фойдасига 20.548.340 сўм, Ж.Рахмонкуловнинг фойдасига 102.741.700 сўм, И.Мамаджоновнинг фойдасига 30.822.510 сўм, А.Негматовнинг фойдасига 51.370.850 сўм, Қ.Шукурованинг фойдасига 15.411.255 сўм, М.Саломованинг фойдасига 15.411.255 сўм ва Д.Тешабоевнинг фойдасига 30.822.510 сўм;

- судланувчи А.Н, А.М, Н.С ва Л.Плардан солидар тартибда О.Хўжамуродовнинг фойдасига 20.548.340 сўм, О.Хонниёзовнинг фойдасига 30.822.510 сўм, А.Дўнгбоевнинг фойдасига 18.493.506 сўм, Д.Ж.Рнинг фойдасига 43.151.514 сўм, О.Норқуловнинг фойдасига 56.507.935 сўм, О.Ганиевнинг фойдасига 39.041.846 сўм, И.Рузиеванинг фойдасига



73.974.024 сўм, Т.Исамиддинованинг фойдасига 41.096.680 сўм, Б.Мирзаевнинг фойдасига 30.822.510 сўм, Ж.Сафаровнинг фойдасига 41.096.680 сўм, Ф.Пармановнинг фойдасига 40.069.263 сўм, Т.Набиевнинг фойдасига 41.096.680 сўм, Р.Джураевнинг фойдасига 41.096.680 сўм, А.Турсуновнинг фойдасига 25.685.425 сўм, Ў.Якубовнинг фойдасига 51.370.850 сўм, Ш.Санакуловнинг фойдасига 5.137.085 сўм, Г.Джаббарованинг фойдасига 41.096.680 сўм, М.Алимованинг фойдасига 41.096.680 сўм, С.Комиловнинг фойдасига 15.411.255 сўм, И.Абдуллаевнинг фойдасига 15.411.255 сўм, М.Хамдамовнинг фойдасига 30.822.510 сўм, И.Мажидовнинг фойдасига 43.151.514 сўм, Д.Мнинг фойдасига 41.096.680 сўм, Ф.Абдуллаевнинг фойдасига 43.151.514 сўм, М.Асламовнинг фойдасига 25.685.425 сўм, А.Рауфовнинг фойдасига 21.164.791 сўм, А.Рустамовнинг фойдасига 35.959.595 сўм, А.Мирмухамеднинг фойдасига 20.548.340 сўм, З.Баратовнинг фойдасига 46.233.765 сўм, У.Мухаммадиевнинг фойдасига 56.507.935 сўм, Т.Мухаммадиевнинг фойдасига 56.507.935 сўм, Д.Маруповнинг фойдасига 40.069.263 сўм, Ш.Бердиевнинг фойдасига 51.370.850 сўм, О.Қаршиевнинг фойдасига 41.096.680 сўм, С.Мухамматовнинг фойдасига 41.096.680 сўм, Ф.Джуракуловнинг фойдасига 12.329.004 сўм, З.Аламовнинг фойдасига 12.329.004 сўм, И.Абдуллаевнинг фойдасига 82.193.360 сўм, Ж.Файзиевнинг фойдасига 41.096.680 сўм, К.Ахтамовнинг фойдасига 43.151.514 сўм, Х.Носировнинг фойдасига 61.648.260 сўм, Н.Усаровнинг фойдасига 51.370.850 сўм, Б.Рустамовнинг фойдасига 97.604.615 сўм, М.Фахриеванинг фойдасига 43.151.514 сўм, Ш.Султоновнинг фойдасига 41.096.680 сўм, Ш.Хасановнинг фойдасига 41.096.680 сўм, Ш.Абдиевнинг фойдасига 41.096.680 сўм, Н.Сайфуллаевнинг фойдасига 12.329.004 сўм, Ш.Нормуротовнинг фойдасига 41.096.680 сўм, Ш.Носировнинг фойдасига 41.096.680 сўм, Ш.Мардиевнинг фойдасига 56.507.935 сўм, Г.Алиеванинг фойдасига 61.645.020 сўм, М.Муродовнинг фойдасига 41.096.680 сўм, М.Мансуровнинг фойдасига 15.411.255 сўм, А.Мансуровнинг фойдасига 15.411.255 сўм ва Ш.Нарзуллаевнинг фойдасига 40.069.263 сўмлик моддий зарар ундириш белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, судланувчи Н.С, хавфли рецидивист бўла туриб, алдаш ёки ишончни суистеъмол қилиш йўли орқали ўзганинг мулкни қўлга киритиш мақсадида, фуқароларни чет элга юборишга бирон-бир ваколати бўлмасада, 2014 йил март ойидан 2016 йил февраль ойига қадар бўлган вақт оралиғида, Самарқанд шаҳрининг турли худудларида 6000 АҚШ доллари эвазига фуқароларни Корея давлатига юборишни ваъда қилиб, улардан яъни 2014 йил май ойида Тайлоқ тумани “Муборак” маҳалласида яшовчи фуқаро Б.Жумаевдан Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида 6.430.004 сўмга тенг бўлган 2800 АҚШ доллари, 2014 йил май ойида Х.Хамрокуловдан 5.281.789 сўмга тенг бўлган 2300 АҚШ доллари, 2015 йил май ойида Ф.Фозиловдан 5.064.680 сўмга тенг бўлган 2000 АҚШ доллари пулларни ҳамда 2016 йил февраль ойида М.Юнусовдан 5.703.300 сўмга тенг бўлган 2000 АҚШ долларини Жанубий Корея давлатига ишлашга юборишни ваъда қилган ҳолда пулларини фирибгарлик йўли билан такроран қўлга киритиб, уларни Жанубий Корея давлатига ишлаш учун юбормасдан, пулларни эҳтиёжлари учун ишлатган.

Шунингдек, судланувчи А.Н, алдаш ёки ишончни суистеъмол қилиш йўли орқали ўзганинг мулкни қўлга киритиш мақсадида, судланувчи А.М ва Н.С билан олдиндан тил бириктириб, 2014 йил апрель ойидан 2019 йил август ойига қадар бўлган вақт мобайнида, жиной режага асосан, Жанубий Корея ва Япония Республикаларига ишлаш учун хоҳиш билдирган фуқаролардан, яъни 2019 йил февраль ойида Х.Жумаевдан Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида 31.091.803 сўмга тенг бўлган 3700 АҚШ доллари, 2018 йил ноябрь ойида М.Шукуровдан 16.598.400 сўмга тенг бўлган 2000 АҚШ доллари, 2015 йил февраль ойида Т.Шокиржоновдан 7.380.960 сўмга тенг бўлган 3000 АҚШ доллари, 2018 йил январь ойида Б.Мақуловдан 23.709.733 сўмга тенг бўлган 2900 АҚШ доллари, 2018 йил январь ойида Б.Турсуновдан 155.339.630 сўмга тенг бўлган 19.000 АҚШ доллари, 2018 йил январь ойида Н.Исоковдан 49.054.620 сўмга тенг бўлган 6000 АҚШ доллари, 2018 йил май ойида Ш.Р.Тоғаевдан 55.875.750 сўмга тенг бўлган 7000 АҚШ доллари, 2017 йил ноябрь ойида Й.Ш.Мирсаидовдан 28.335.580 сўмга тенг бўлган 3500 АҚШ доллари, 2015 йил май ойида Ф.М.Хамраевдан 17.726.380 сўмга тенг бўлган 7000 АҚШ доллари, 2018 йил май ойида Ҳ.Мухаммадиевдан 3.991.125 сўмга тенг бўлган 500 АҚШ доллари, 2018 йил октябрь



ойида Қ.Жўраевдан 24.710.610 сўмга тенг бўлган 3000 АҚШ доллари, 2018 йил май ойида Б.Нурибетовдан 23.946.750 сўмга тенг бўлган 3000 АҚШ доллари, 2016 йил май ойида К.Ахмедовдан 17.516.100 сўмга тенг бўлган 6000 АҚШ доллари, 2016 йил май ойида Н.Хапизовдан 11.677.400 сўмга тенг бўлган 4000 АҚШ доллари, 2016 йил май ойида М.Жабборовдан 20.435.450 сўмга тенг бўлган 7000 АҚШ доллари, 2016 йил май ойида С.И.Рахимовдан 8.758.050 сўмга тенг бўлган 3000 АҚШ доллари, 2018 йил август ойида А.Анарбаевдан 23.481.690 сўмга тенг бўлган 3000 АҚШ доллари, 2018 йил июль ойида Ш.Хусановдан 23.368.140 сўмга тенг бўлган 3000 АҚШ доллари, 2018 йил июль ойида У.Хусановдан 23.368.140 сўмга тенг бўлган 3000 АҚШ доллари, 2019 йил май ойида Х.Ярмаматовдан 25.457.730 сўмга тенг бўлган 3000 АҚШ доллари, 2016 йил май ойида И.Қурбонмуродовдан 17.516.100 сўмга тенг бўлган 6000 АҚШ доллари, 2018 йил март ойида О.Азимовадан 64.918.880 сўмга тенг бўлган 8000 АҚШ доллари, 2017 йил декабрь ойида Н.Лидан 73.080.630 сўмга тенг бўлган 9000 АҚШ доллари, 2018 йил апрель ойида Н.Бекмуродовдан 48.409.020 сўмга тенг бўлган 6000 АҚШ доллари, 2015 йил декабрь ойида Ш.Б.Негматовдан 5.619.960 сўмга тенг бўлган 2000 АҚШ доллари, 2015 йил апрель ойида Ж.Рахмонкуловдан 25.127.300 сўмга тенг бўлган 10.000 АҚШ доллари, 2018 йил июль ойида И.Мамаджоновдан 23.368.140 сўмга тенг бўлган 3000 АҚШ доллари, 2017 йил март ойида А.Негматовдан 17.975.100 сўмга тенг бўлган 5000 АҚШ доллари, 2014 йил июль ойида К.Шукуровадан 8.148.560 сўмга тенг бўлган 3500 АҚШ доллари, 2016 йил май ойида М.Саламовадан 4.379.025 сўмга тенг бўлган 1500 АҚШ доллари ва 2019 йил май ойида Д.Тешабоевдан 25.457.730 сўмга тенг бўлган 3000 АҚШ доллари микдоридаги пулларни такроран қўлга киритишиб, уларни ишга юбормасдан, қўлга киритган пулларни эҳтиёжлари учун сарфлаб юборишган.

Бундан ташқари, судланувчи А.Н ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттирилиб, алдаш ёки ишончли суистеъмол қилиш йўли орқали ўзганинг мулкни қўлга киритиш мақсадида, А.М, Н.С, Л.П ва жиноят иши алоҳида иш юритувига ажратилган шахслар билан олдиндан тил бириктириб, 2017 йил май ойидан 2019 йил август ойига қадар бўлган вақт мобайнида, тузилган жиноий режага асосан, Жанубий Корея ва Япония Республикаларига ишлаш учун хоҳиш билдирган фуқаролардан, яъни 2019 йил август ойида О.Хўжамуродовдан 18.747.860 сўмга тенг бўлган 2000 АҚШ доллари, 2019 йил апрель ойида О.Хонниёзовдан 30.403.764 сўмга тенг бўлган 3600 АҚШ доллари, 2019 йил апрель ойида Ш.Э.Мустафаевдан 5.000.000 сўм пуллари, 2019 йил апрель ойида А.Дўнгбоевдан 19.424.627 сўмга тенг бўлган 2300 АҚШ доллари, 2018 йил апрель ойида ДЖ.Рдан 33.886.314 сўмга тенг бўлган 4200 АҚШ доллари, 2018 йил август ойида О.Норкуловдан 43.049.765 сўмга тенг бўлган 5500 АҚШ доллари, 2017 йил январь ойида О.Ганиевдан 12.409.052 сўмга тенг бўлган 3800 АҚШ доллари, 2018 йил январь ойида И.Рузиевадан 58.865.544 сўмга тенг бўлган 7200 АҚШ доллари, 2019 йил февраль ойида Т.Исамиддиновдан 33.612.760 сўмга тенг бўлган 4000 АҚШ доллари, 2019 йил февраль ойида Б.Мирзаевдан 25.209.570 сўмга тенг бўлган 3000 АҚШ доллари, 2019 йил февраль ойида Ж.Сафаровдан 33.612.760 сўмга тенг бўлган 4000 АҚШ доллари, 2019 йил февраль ойида Ф.Пармановдан 32.772.441 сўмга тенг бўлган 3900 АҚШ доллари, 2018 йил ноябрь ойида Т.Набиевдан 33.196.800 сўмга тенг бўлган 4000 АҚШ доллари, 2019 йил апрель ойида Р.Джураевдан 42.227.450 сўмга тенг бўлган 5000 АҚШ доллари, 2017 йил ноябрь ойида А.Турсуновдан 28.050.636 сўмга тенг бўлган 4700 АҚШ доллари, 2017 йил ноябрь ойида Ў.Якубовдан 45.336.928 сўмга тенг бўлган 5600 АҚШ доллари, 2017 йил май ойида Ш.Санакуловдан 5.769.495 сўмга тенг бўлган 1500 АҚШ доллари, 2019 йил февраль ойида Г.Джаббаровадан 33.612.760 сўмга тенг бўлган 4000 АҚШ доллари, 2019 йил февраль ойида М.Алимовадан 33.612.760 сўмга тенг бўлган 4000 АҚШ доллари, 2018 йил июнь ойида С.Комиловдан 11.807.490 сўмга тенг бўлган 1500 АҚШ доллари, 2018 йил июнь ойида И.Абдуллаевдан 11.807.490 сўмга тенг бўлган 1500 АҚШ доллари, 2018 йил март ойида М.Хамдамовдан 24.344.580 сўмга тенг бўлган 3000 АҚШ доллари, 2018 йил март ойида И.Мажидовдан 34.082.412 сўмга тенг бўлган 4200 АҚШ доллари, 2018 йил октябрь ойида Д.Мдан 32.947.480 сўмга тенг бўлган 4000 АҚШ доллари, 2018 йил апрель ойида Ф.Абдуллаевдан 33.886.314 сўмга тенг бўлган 4200 АҚШ доллари,



2018 йил октябрь ойида М.Асламовдан 34.594.854 сўмга тенг бўлган 4200 АҚШ доллари, 2017 йил ноябрь ойида А.Рауфовдан 16.667.512 сўмга тенг бўлган 2060 АҚШ доллари, 2018 йил ноябрь ойида А.Рустамовдан 29.047.200 сўмга тенг бўлган 3500 АҚШ доллари, 2017 йил ноябрь ойида А.Мирмухамедовдан 16.191.760 сўмга тенг бўлган 2000 АҚШ доллари, 2018 йил март ойида З.Баратовдан 36.516.870 сўмга тенг бўлган 4500 АҚШ доллари, 2018 йил ноябрь ойида У.Мухаммадиевдан 45.645.600 сўмга тенг бўлган 5500 АҚШ доллари, 2018 йил ноябрь ойида Т.Мухаммадиевдан 45.645.600 сўмга тенг бўлган 5500 АҚШ доллари, 2018 йил июль ойида Д.Маруповдан 30.378.582 сўмга тенг бўлган 3900 АҚШ доллари, 2018 йил июль ойида Ш.Бердиевдан 39.358.300 сўмга тенг бўлган 5000 АҚШ доллари, 2018 йил июль ойида О.Қаршиевдан 31.157.520 сўмга тенг бўлган 4000 АҚШ доллари, 2017 йил август ойида О.Мирзоевдан 4.210.135 сўмга тенги бўлган 1500 АҚШ доллари, 2018 йил июль ойида С.А.Мухамматовдан 32.272.680 сўмга тенги бўлган 4000 АҚШ доллари, 2018 йил июль ойида Ф.Джуракуловдан 9.347.256 сўмга тенг бўлган 1200 АҚШ доллари, 2017 йил декабрь ойида З.Аламовдан 9.744.084 сўмга тенг бўлган 1200 АҚШ доллари, 2018 йил май ойида И.Р.Абдуллаевдан 63.858.000 сўмга тенг бўлган 8000 АҚШ доллари, 2018 йил июль ойида З.Тўракуловдан 31.157.520 сўмга тенг бўлган 4000 АҚШ доллари, 2019 йил июль ойида Ж.Махрамовдан 13.000.065 сўмга тенг бўлган 1500 АҚШ доллари, 2018 йил июль ойида М.Каримовдан 11.684.070 сўмга тенг бўлган 1500 АҚШ доллари, 2018 йил февраль ойида Ж.Файзиёвдан 32.686.560 сўмга тенг бўлган 4000 АҚШ доллари, 2018 йил февраль ойида К.Ахтамовдан 34.320.888 сўмга тенг бўлган 4200 АҚШ доллари, 2018 йил ноябрь ойида Х.Носировдан 49.795.200 сўмга тенг бўлган 6000 АҚШ доллари, 2018 йил ноябрь ойида Н.Усаровдан 41.496.000 сўмга тенг бўлган 5000 АҚШ доллари, 2018 йил апрель ойида Б.Рустамовдан 76.647.615 сўмга тенг бўлган 9500 АҚШ доллари, 2018 йил октябрь ойида М.Фахриевадан 34.594.854 сўмга тенг бўлган 4200 АҚШ доллари, 2018 йил ноябрь ойида Ш.Султоновдан 33.196.800 сўмга тенг бўлган 4000 АҚШ доллари, 2018 йил ноябрь ойида Ш.Хасановдан 33.196.800 сўмга тенг бўлган 4000 АҚШ доллари, 2018 йил ноябрь ойида Ш.Абдиевдан 33.196.800 сўмга тенг бўлган 4000 АҚШ доллари, 2018 йил ноябрь ойида Н.Сайфуллаевдан 9.959.040 сўмга тенг бўлган 1200 АҚШ доллари, 2018 йил июль ойида Ш.Нормуротовдан 31.157.520 сўмга тенг бўлган 4000 АҚШ доллари, 2018 йил ноябрь ойида Ш.Носировдан 33.196.800 сўмга тенг бўлган 4000 АҚШ доллари, 2018 йил июль ойида Ш.Мардиевдан 46.736.280 сўмга тенг бўлган 6000 АҚШ доллари, 2018 йил июль ойида Г.Алиевадан 46.736.280 сўмга тенг бўлган 6000 АҚШ доллари, 2019 йил март ойида М.Муродовдан 33.559.880 сўмга тенг бўлган 4000 АҚШ доллари, 2018 йил май ойида А.Мансуровдан 11.973.375 сўмга тенг бўлган 1500 АҚШ доллари, 2018 йил май ойида М.Мансуровдан 11.973.375 сўмга тенг бўлган 1500 АҚШ доллари, 2018 йил май ойида Т.Шадиёвдан 27.937.875 сўмга тенг бўлган 3500 АҚШ доллари, 2018 йил май ойида М.Қаюмовдан 9.578.700 сўмга тенг бўлган 1200 АҚШ доллари ва 2018 йил ноябрь ойида Ш.Нарзуллаевдан 32.366.880 сўмга тенг бўлган 3900 АҚШ доллари миқдоридagi пулларни такроран қўлга киритишиб, уларни ишга юбормасдан, қўлга киритган пулларни эҳтиёжлари учун сарфлаб юборишган.

Жабрланувчи У.Мухаммадиев, А.Дўнгбоев, Ш.Мардиев, М.Шукуров, Т.Мухаммадиев, А.Рустамов, Г.Алиева, Н.Бекмуродова, Н.Ли, Ф.Хамроев, О.Қаршиев, Г.Жабборова, И.Рузиева, М.Тоғаев, Ш.Нарзуллаев, О.Ғаниев, Ф.Пармонов, М.Алимова, О.Хонниёзов, Й.Мирсаидов, Қ.Жураевлар апелляция шикоятларида, жиноят оқибатида етказилган моддий зарар суммалари ундирилиб берилмаганлиги, судланувчи А.Н ва А.Мларга нисбатан енгил жазо тайинланганлиги, Н.С ва Л.Плар етказилган зарарни қоплашмаганлиги ва муқаддам бир неча маротаба судланган бўлишсада, уларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган енгил жазо тайинланганлиги сабабли уларга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо тайинлашни сўрашган.

Судланувчи А.Н ва унинг ҳимоячиси – адвокат Ш.Тугаловлар апелляция шикоятида, дастлабки тергов ва биринчи инстанция суди ишни бир томонлама олиб борганлигини, Н.С унга нисбатан ёлғон кўрсатув берганлигини, гувоҳ Н.Ғаниева тухмат қилаётганлигини, ишда жуд аудиоёзувларни номақбул далил деб эътироф этиш ва бошқа шахсларнинг



ҳаракатларига баҳо беришни ҳамда А.Ннинг айби йўқлиги сабабли унга нисбатан оқлов чиқаришни сўрашган.

Судланувчи А.М ва унинг ҳимоячиси – адвокати Х.Қосимовлар апелляция тартибида, дастлабки тергов ва биринчи инстанция суди ишни бир томонлама олиб борганлиги, Н.С, гувоҳ А.Ғаниева ва З.Зайниддиновларнинг ёлғон ва тухмат кўрсатувларига асосан унга айблов қўйилганлигини ҳамда ишда мавжуд аудиоёзувлар стенограмма қилиш баённомаларини номақбул далил деб эътироф этишни, унинг айби йўқлиги сабабли оқлов чиқариш ва бошқаларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беришни сўрашган.

Апелляция судлов ҳайъати, иш бўйича вилоят судининг судья Ж.Ботировнинг маърузасини, прокурор Ш.Джураевнинг жабрланувчиларнинг апелляция тартибидаги шикоятларини қаноатлантириш, судланувчи А.Н ва А.М ҳамда уларнинг ҳимоячилари – адвокат Ш.Тугалов ва Х.Қосимовларнинг шикоятини қаноатлантирмасдан қолдиришлик ҳақидаги, судланувчи А.Н ва А.М ҳамда уларнинг ҳимоячилари – адвокат Ш.Тугалов ва Х.Қосимовларнинг шикоятларини қаноатлантиришни, жабрланувчиларнинг шикоятини қисман қаноатлантиришни, Л.Пнинг ҳимоячиси – адвокат К.Джавадовнинг келтирилган шикоятларни қаноатлантирмасдан қолдириш ҳақидаги, жабрланувчи У.Мухаммадиев, А.Дўнгбоев, Ш.Мардиев, М.Шукуров, Т.Мухаммадиев, А.Рустамов, Г.Алиева, Н.Бекмуродова, Н.Ли, Ф.Хамроев, О.Қаршиев, Г.Жабборова, И.Рузиева, М.Тоғаев, Ш.Нарзуллаев, О.Ғаниев, Ф.Пармонов, М.Алимова, О.Хонниёзов, Й.Мирсаидов, Қ.Жураевларнинг шикоятларини қаноатлантириш ҳақидаги, жабрланувчи А.Р, Д.М ва Ж.Рларнинг ҳимоячиси – адвокат Ш.Киличеванинг шикоятларини қаноатлантиришни, судланувчи А.Н ва А.М ҳамда уларнинг ҳимоячилари – адвокат Ш.Тугалов ва Х.Қосимовларнинг шикоятларини қаноатлантирмасдан қолдириш ҳақидаги фикрларини эшитиб, шикоятлардаги вазларни иш ҳужжатлари билан бирликда ўрганиб, муҳокама қилиб, қуйидагиларга асосан суд ҳукмини ўзгартиришни лозим деб ҳисоблайди.

А.Н, А.М, Н.С ва Л.Пларнинг айби, судланувчи Н.С ва Л.П, жабрланувчиларнинг судда берган кўрсатувлари, судланувчи ва жабрланувчилар билан ўтказилган юзлаштириш баённомалари, сўзлашувларини стенограмма қилиш баённомалари, нарсаларни ашёвий далил деб эътироф этиш қарорлари, тушунтириш хатлари ва сўроқ баённомалари жиноят ишида тўпланган бошқа ҳолисона далиллар билан ўз исботини тўлиқ топган.

Судланувчи А.Н ва А.Млар ҳамда уларнинг ҳимоячилари – адвокат Ш.Тугалов ва Х.Қосимовларнинг апелляция шикоятларидаги биринчи инстанция суди ишни бир томонлама олиб борганлиги ҳақидаги вазлари билан келишиб бўлмади.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарориди, далил тегишли субъект томонидан, яъни далилни олиш билан боғлиқ бўлган процессуал ҳаракатни ўтказишга ваколатли мансабдор шахс томонидан олинган бўлиши, фактга оид маълумотлар фақат ЖПК 81-моддасининг иккинчи қисмида қайд этилган манбалардан олинган бўлиши, далил уни олиш билан боғлиқ процессуал ҳаракатни ўтказишга оид қоидалар ва тартибга риоя этилган ҳолда олинган бўлиши, далилни олишда тергов ва суд ҳаракати жараёни ва натижаларининг қайд этилишига доир қонуннинг барча талабларига амал қилинган бўлиши далиллар мақбуллигининг шартлари сифатида қайд этилган бўлиб, ишни дастлабки тергов органи ва биринчи босқич судида кўришда юқоридаги қоидаларга амал қилган ҳолда тўпланган далилларга баҳо бериб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддаси талабига асосан иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларни синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона текшириб, қонуний тўхтамга келган.

Шунингдек, судланувчи А.Н, А.М ва уларнинг ҳимоячилари – адвокат Ш.Тугалов ва Х.Қосимовнинг апелляция шикоятларидаги, судланувчи Н.С, гувоҳ А.Ғаниева ва З.Зайниддиновларнинг ёлғон ва тухмат кўрсатувларига асосан А.М ва А.Нларга айблов қўйилганлиги ҳамда ишда мавжуд аудиоёзувлар стенограмма қилиш баённомаларини номақбул далил деб эътироф этиш, уларнинг айби йўқлиги сабабли, А.Н ва А.Мларга нисбатан оқлов чиқариш бошқа шахсларнинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо бериш ҳақидаги



важлар билан келишиб бўлмайди.

Чунки, А.Н ва А.Мларнинг ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкани фирибгарлик йўли билан талон-торож қилишдаги ҳаракатлари жиноят иш материалида мавжуд бўлган жабрланувчиларнинг ариза баённомалари, судланувчи ва жабрланувчилар билан ўтказилган юзлаштириш баённомалари, сўзлашувларини стенограмма қилиш баённомалари, тушунтириш хатлари ва сўроқ баённомалари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа ҳужжатлар билан тасдиғини топган.

Шунингдек, ушбу важлар биринчи инстанция судида кўрсатув берган Н.Снинг, Л.П олиб келган чет давлатга ишлаш учун кетмоқчи бўлган фуқароларни тахминан 56 нафарини ҳужжатларидан нусхалари олиб келиб берганлиги, фуқароларни ҳужжатларига кўра, умумий суммада жами 240.000 АҚШ доллари пулларни 2018 йилда олиб келиб берганлигини, мазкур 56 та фуқарони Корея давлатига юбориш учун жами ҳар бири учун 4500 АҚШ долларидан, жами 252.000 АҚШ доллари пулларни Тошкент шаҳар Олмазор туманида жойлашган Хусусий бандлик агентлиги бухгалтери А.Нга бўлиб-бўлиб, унинг укаси А.Мга олиб бориб берганлигини, олиб бориб берган пуллар бўйича 56 та фуқародан бирортасини айтилган Корея давлатига юбора олмаганликларини ва пулларни эҳтиёжлари учун сарфлаб юборганликлари ҳақидаги;

- гувоҳ А.Ғаниеванинг 2018 йил 20 июль кунида соат 15.00 ларда таниши Н.С телефон қилиб уйига чақирганлиги, борганда ўзи зарур иш билан Бухоро шаҳрига кетаётганлигини айтиб, жами 180.000 АҚШ доллари миқдоридagi пулларни танишлари Абдурахмон ва Азизбек келиб олиб кетишлигини айтиб, Бухоро шаҳрига кетишини айтиб кетганлиги, шу куни соат 18.00 ларда Н.С кўнғироқ қилиб, Азизбек таниши ёнига пулни олиб кетиш учун келаётганлигини айтганлигини, 5 дақиқа вақт ўтиб бегона рақамдан, ўзини Азизбек деб таништирган киши кўнғироқ қилиб, Макро супермаркети олдидаги бекат ёнидаги матбуот дўкони ёнида Квас бочкаси турган жойга оқ рангли енгил автомашинада келиб, пулларни олиб кетганлиги ҳақидаги кўрсатувлари билан;

- шунингдек, жабрланувчи О.Азимова, С.Рахимов, М.Жабборов, К.Ахмедов, Б.Нурибетов Ш.Тоғаев, Ж.Мухаммадиев ҳамда бошқаларнинг дастлабки тергов ва биринчи босқич судидаги кўрсатувлари;

- А.М ва Н.С ҳамда А.Н ва Н.Слар ўрталарида мавжуд бўлган сўзлашув стенограммаси баённомаси билан тўлиқ инкор қилинади.

Бундан ташқари, сўзлашув стенограммаси баённомаси дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг талаблари асосида расмийлаштирилган.

Судлов ҳайъати, ушбу важларни судланувчи А.М ва А.Нларнинг жавобгарликдан қочиш учун ўйлаб топилган важлар деб ҳисоблаб, уларни танқидий баҳолайди.

Биринчи инстанция суди томонидан А.Н, А.М ва Н.Снинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилган бўлса-да, А.Н, А.М, Н.С ва Л.Пларнинг айбловидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “в” бандини чиқариб, судланувчи Л.Пнинг жиноий ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” бандини шу модданинг 3-қисми “а” бандига қайта квалификация қилиб, нотўғри тўхтамга келган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисмида, фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончли суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлган киритиш:

- “а” бандида, жуда кўп миқдорда;

- “в” бандида, уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этганлик учун жавобгарлик қайд этилган.

Мазкур кодексининг 29-моддаси 4-бандида, икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликда жиноий фаолият олиб бориш учун олдиндан бир гуруҳга бирлалиши уюшган гуруҳ деб топилади деб қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги “Транспорт воситаларини олиб қочиш ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида”ги Қарорининг анида, жиноий фаолиятнинг олдиндан режалаштирилганлиги, жиноий қасдни амалга



ошириш учун зарур бўлган воситаларнинг тайёрланиши, иштирокчиларни танлаш, ёллаш ва улар ўртасида вазифаларнинг тақсимланиши, жиноятни яшириш чораларини таъминлаш, гуруҳда ўрнатилган интизомга ва ташкилотчининг кўрсатмаларига бўйсунлиқ жиний гуруҳнинг уюшганлигидан далолат беради деб тушунтириш берилган.

Юқоридаги қонун ва Пленум қарори мазмунига кўра, жиний гуруҳни уюшган деб квалификация қилиш учун асосий мезон тариқасида, масалан, гуруҳнинг барқарорлигини, унда ташкилотчининг бўлишини, одатда, бир неча жиноятни содир этиш мақсадида тузилганлигини, жиноятни амалга ошириш режаси ва йўл-йўриғи ишланганлигини, ҳар бир иштирокчи ўртасида вазифалар тақсимланганлиги, техника билан таъминланганлиги, жиноятни яшириш чоралари кўрилганлиги, умумий интизомга ва жиний гуруҳ ташкилотчисининг кўрсатмаларига итоат қилиниши тушунилади.

Иш ҳужжатлари ва аниқланган ҳолатларга кўра, судланувчи А.Н, А.М, Н.С, Л.П ва қисми алоҳида иш юритувга ажратилган бошқа шахслар томонидан жиний фаолият олиб бориш учун олдиндан жиний тил бириктириб, жиний фаолият билан шуғулланиб, ноқонуний йўллар билан бойлик орттириш мақсадида уюшган гуруҳ тузишган.

Бунда, А.Н уюшган гуруҳ аъзоларини биргаликда жиний фаолият олиб бориши учун бирлаштириб, уюшган гуруҳ аъзолари ўртасидаги ролларини аниқ тақсимлаб, уларнинг юқори даражадаги уюшганлиги, турғунлиги, ҳамжихатлигини ва дахлсизлигини таъминлаб, уларнинг жиний фаолиятини умумий жиний қасд асосида бирлаштириб, фаолияти устидан қаттиқ назорат ўрнатиб ва мувофиқлаштириб, улар жиний фаолият юритиши учун моддий жиҳатдан таъминлаб, уюшган гуруҳнинг фаолиятини шакл ва усулларини доимийлигига, узок муддат давомида мавжуд бўлишига ва кўп сонли жиноятлар содир этилишига эришган.

Бу борада, А.Н ўзи раҳбарлигида тузилган уюшган гуруҳ орасида вазифаларини куйидагича тақсимлаган;

Жумладан, А.Н гуруҳ фаолиятига раҳбарлик қилиш, фуқароларни мулкани фирибгарлик йўли билан қўлга киритиш мақсадида, уларга фаолиятини қонунийлигини кўрсатиш учун Корея ва Япония давлатларидаги фирма билан шартнома тузиш ва фуқаролар билан суҳбатлашиб, тушунтириш ишларини олиб бориш;

- уюшган гуруҳ аъзолари А.М, Н.С, Л.Плар ва қисми алоҳида иш юритувга ажратилган бошқа шахслар эса ўз навбатида фуқароларни мулкани фирибгарлик йўли билан қўлга киритиш мақсадида, фуқароларни Корея ва Япония давлатига ишлаш ва яшаш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни расмийлаштириб бериш юзасидан бирон-бир ваколоти бўлмаса-да, ҳужжатларни тўплаш, расмийлаштириш, амалга оширилиши лозим бўлган тўловлар ва уларнинг миқдори бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш, фуқаролардан уларнинг шахсига доир ҳужжат нусхаларини олиш, тўплаш ва расмийлаштириш юзасидан керакли тушунтиришларни бериб, ноқонуний йўллар билан қўлга киритаётган бойликларни уюшган жиний гуруҳ аъзолари ўртасида тақсимлашган.

Иш ҳужжатларига кўра, судланувчи А.Н, Л.П, А.М, Н.С, А.Сим ва бошқалар бир гуруҳ бўлишиб, олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳга бирлашиб, алдаш ва ишончни суиистъмол қилиш йўли билан ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкани қўлга киритиш мақсадида, 2014 йил апрель ойидан 2019 йил август ойига қадар бўлган вақт мобайнида, уюшган гуруҳ аъзоларининг олдиндан келишилган жиний режасига асосан Корея ва Япония Республикаларига ишлаш учун хоҳиш билдирган фуқаролар, яъни Х.Жумаев, М.Шукуров, Т.Шокиржонов, Б.Мақулов, Б.Турсунов, Н.Исоқов, Ш.Тоғаев, Й.Мирсаидов, Ф.Хамраев, Ж.Мухаммадиев, Қ.Жўраев, Б.Нурибетов, К.Ахмедов, Н.Хапизов, М.Жабборов, С.Рахимов, А.Анарбаев, Ш.Хусанов, У.Хусанов, Х.Ярмаматов, И.Қурбонмуродов, О.Азимова, Н.Ли, Н.Бекмуродова, Ш.Негматов, Ж.Рахмонкулов, И.Мамаджонов, А.Негматов, Қ.Шукурова, М.Саломова, Д.Тешабоев, О.Хўжамуродов, О.Хонниёзов, А.Дўнғобоев, Д.Ж.Р, О.Норкулов, О.Ганиев, И.Рузиева, Т.Исамиддинова, Б.Мирзаев, Ж.Сафаров, Ф.Парманов, Т.Набиев, Р.Джураев, А.Турсунов, Ў.Якубов, Ш.Санакулов, Г.Джаббарова, М.Алимова, С.Комилов, И.Абдуллаев, М.Хамдамов, И.Мажидов, Д.М, Ф.Абдуллаев, М.Асламов, А.Рауфов, А.Рустамов, А.Мирмухамед, З.Баратов, У.Мухаммадиев, Т.Мухаммадиев, Д.Марупов, Ш.Бердиев, О.Қаршиев, С.Мухамматов, Ф.Джуракулов, З.Аламов, И.Абдуллаев, Ж.Файзиев,



махрум этиш энг кўп муддатининг учдан икки қисмидан ортиқ бўлиши мумкин эмас) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а,в” бандлари билан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни лозим топди.

Бундан ташқари, жабрланувчи У.Мухаммадиев, А.Дўнгбоев, Ш.Мардиев, М.Шукуров, Т.Мухаммадиев, А.Рустамов, Г.Алиева, Н.Бекмуродова, Н.Ли, Ф.Хамроев, О.Қаршиев, Г.Жабборова, И.Рузиева, М.Тоғаев, Ш.Нарзуллаев, О.Ғаниев, Ф.Пармонов, М.Алимова, О.Хонниёзов, Й.Мирсаидов, Қ.Жураев ва бошқалар апелляция инстанциясида, мазкур жиноятни содир этишда судланган А.Н, А.М, Н.С ва Л.Пларга фуқаро Р.Мардонов, Д.Сафарова ва бошқалар томонидан жиноят содир этилишига ёрдам беришганлигини баён қилишган.

Бироқ, дастлабки тергов органи томонидан уларга нисбатан жиноят ишини бир қисмини ҳаракатдан тугатиш ҳақида барвақт хулосага келган.

Биринчи инстанция суди томонидан ҳам мазкур ҳолатларга етарли даражада баҳо берилмаган.

Шу боис, судлов ҳайъати, Самарқанд шаҳри бўйича ИИО ФМБ ҳузуридаги ТБ терговчиси Х.Аллаёровнинг 2020 йил 18 августдаги жиноят ишини бир қисмини ҳаракатдан тугатиш тўғрисидаги қарорининг Ғаниев Мардон Тураевич, Пешкова Тамара Федеровна, Аллабердиев Жаҳонгир, Қўчқоров Фурқат Раҳматуллаевич, Қаюмова Жамила Хароевналарга оид қисмини бекор қилишни ва уларга оид қисми ҳамда жабрланувчи Н.Ли ва бошқаларнинг шикоятда кўрсатилган Д.Сафарованинг қисмини алоҳида материал тарикасида ажратиб, Самарқанд вилоят прокурори орқали тегишли тергов органига юборишни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра, А.Н, А.М, Н.С ва Л.Пларга нисбатан чиқарилган ҳукми ўзгартиришни, жабрланувчи У.Мухаммадиев, А.Дўнгбоев, Ш.Мардиев, М.Шукуров, Т.Мухаммадиев, А.Рустамов, Г.Алиева, Н.Бекмуродова, Н.Ли, Ф.Хамроев, О.Қаршиев, Г.Жабборова, И.Рузиева, М.Тоғаев, Ш.Нарзуллаев, О.Ғаниев, Ф.Пармонов, М.Алимова, О.Хонниёзов, Й.Мирсаидов, Қ.Жураевларнинг апелляция шикоятини қаноатлантиришни, судланувчи А.Н ва А.М ҳамда уларнинг ҳимоячилари – адвокат Ш.Тугалов ва Х.Қосимовлар томонидан келтирилган апелляция шикоятларини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 490, 491, 496, 497¹³ ва 497¹⁸-моддаларини қўллаб, апелляция инстанцияси судлов ҳайъати

а ж р и м

Жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2020 йил 11 сентябрдаги судланувчи **А.Н, М.А, С.Н.** ва **П.Л** ларга нисбатан чиқарилган суд ҳукми ўзгартирилсин.

Ҳукмнинг А.Н, М.А, С.Н. ва П.Лларни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “в” банди билан оқлаш қисми бекор қилинсин.

Судланувчи **А.Н** Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а,в” бандлари билан айбли деб топилсин.

А.Нга, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а,в” бандлари билан 9 (тўққиз) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Судланувчи **М.А** Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а,в” бандлари билан айбли деб топилсин.

Судланувчи **М.А**га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а,в” бандлари билан 8 (саккиз) йил 6 (олти) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Судланувчи **С.Н.** Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а,в” бандлари билан айбли деб топилсин.



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а,в” бандлари билан ЖКнинг 57-моддаси кулланиб, 5 (беш) йил 6 (олти) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми тартибида, жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 2020 йил 20 февралдаги ҳукми бўйича тайинланган жазони қисман қўшиш йўли билан узил кесил 5 (беш) йил 10 (ўн) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони умумий тартибли колонияларда ўташлик белгилансин ва жазо муддати ушланган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи **П.Л** Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а,в” бандлари билан айбли деб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а,в” бандлари билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, 5 (беш) йил 4 (тўрт) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони умумий тартибли колонияларда ўташлик белгилансин ва жазо муддати ушланган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукмнинг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Самарқанд шаҳри бўйича ИИО ФМБ ҳузуридаги ТБ терговчиси Х.Аллаёровнинг 2020 йил 18 августдаги жиноят ишини бир қисмини ҳаракатдан тугатиш ҳақидаги қарори бекор қилинсин.

М.Ганиев, Т.Пешкова, Ж.Аллабердиев, Ф.Қўчқоров, Ж.Қаюмова ва Д.Сафарова ва бошқаларнинг ҳаракатларига қонуний баҳо беришлик учун уларга оид қисми алоҳида материал тариқасида ажратилиб, Самарқанд вилоят прокурори орқали тегишли тергов органига юборилсин.

Жабрланувчи У.Мухаммадиев, А.Дўнгбоев, Ш.Мардиев, М.Шукуров, Т.Мухаммадиев, А.Рустамов, Г.Алиева, Н.Бекмуродова, Н.Ли, Ф.Хамроев, О.Қаршиев, Г.Жабборова, И.Рузиева, М.Тоғаев, Ш.Нарзуллаев, О.Ғаниев, Ф.Пармонов, М.Алимова, О.Хонниёзов, Й.Мирсаидов, Қ.Жураевларнинг апелляция шикояти қаноатлантирилсин, судланувчи А.Н ва А.М ҳамда уларнинг ҳимоячилари – адвокат Ш.Тугалов ва Х.Қосимовлар томонидан келтирилган апелляция шикояти қаноатлантирмасдан қолдирилсин.

Раислик қилувчи (ИМЗО) **И.Хамидов**

Ҳайъат аъзолари (ИМЗО) **М.Тухтаев**

(ИМЗО) **Ж.Ботиров**

Ажрим нусхаси аслига тўғри

